

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАЪФАР ХОЛМУМИНОВ

**ВАҲДАТ УЛ-ВУЖУД ФАЛСАФАСИ ВА
НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ**

*(Ибн-ал-Арабий, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа
Аҳрор Валий ва Мавлоно Абдураҳмон Жомий
қарашлари асосида)*

Монография

ТОШКЕНТ
“ТАФАККУР”
2020

УЎК: 141.336:28

КБК 63.3(5Ў)

86.38

X 72

Холмўминов, Жаъфар.

Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва Нақшбандия таълимоти (Ибн-ал-Арабий, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий ва Мавлоно Абдурахмон Жомий қарашлари асосида). Монгорафия. / Масъул муҳаррир: Н.Жўраев. – Т.: “Yangi nashr”, 2020. – 324 бет.

Масъул муҳаррир:

Нарзулла ЖЎРАЕВ, сиёсий фанлар доктори, профессор

Такризчилар:

Убайдулла Уватов – тарих фанлари доктори, профессор;

Анвар Қодиров – фалсафа фанлари доктори, профессор;

Бахтиёр Тўраев – фалсафа фанлари доктори, профессор

Файласуф ва диншунос олим Жаъфар Холмўминовнинг ушбу монографиясида ислом фалсафаси, хусусан, тасаввуф таълимотининг марказий баҳс мавзуларидан бири бўлмиш Ваҳдат ул-вужуд (борликнинг бирлиги; борликнинг ягоналиги) фалсафасининг асл мазмун-моҳияти, унинг асосий руқнлари ва шаклланиш жараёни ушбу таълимотни илмий-назарий жиҳатдан асослаб берган ҳамда яхлит бир тизимга солган буюк назариётчи олим – «Шайх ул-Ақбар», яъни «Улуғ шайх» номи билан машҳур бўлган Муҳйиддин ибн ал-Арабий қарашлари асосида тадқиқ этилади. Шу билан бирга монографияда Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси Европа фалсафасида шакланган пантеистик қарашлар билан қиёсий таҳлил қилинади. Тадқиқотда Ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг Марказий Осиёда шакланган Хожагон-Нақшбандия таълимотига таъсири масаласи Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий ва Мавлоно Абдурахмон Жомий каби буюк нақшбандий мутасаввифларнинг қарашлари асосида қиёсий равишда таҳлил ва тадқиқ этилиб, Жомийнинг «Ваҳдат ул-вужуд» фалсафасининг ривожига қўшган ҳиссаси ва ушбу таълимотнинг Марказий Осиёдаги фалсафий-ирфоний фикр тараққиётига кўрсатган таъсири каби масалалар хусусида ҳам атрофлича баҳс юритилади.

ISBN-978-9943-24-327-9

“Tafakkur”, 2020 й.

КИРИШ

Инсоният тараққиёти эътиқодлар бирлиги, мақсадлар муштараклиги асосида юзага келади. Бунда, албатта, диний қарашлар муҳим роль ўйнайди. Дунёвий динларнинг барчаси ўз даврида одамлар тафаккурида кескин ўзгариш ясаб, яшаш истагини ва саодатини илоҳий неъматлар асосида амалга ошириш тамойилини турмуш тарзига айлантирди. Бироқ, дунё қалқиб турган, давлатлараро, минтақалараро манфаатлар тўқнашуви авж олган ҳозирги шароитда Ислом омилининг роли ва ўрни тобора ошиб бормокда. Ана шу тарихий жараёни назарда тутган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий кадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад кадрлаймиз. Бизнинг муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик билан тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади. Марказий Осиё уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман”,¹ деб қатъий хулосага келди. Дарҳақиқат, агар тарих зарварақларига назар соладиган бўлсак, “Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қафқол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айтилиши вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”. 2017 йил, 20-сентябрь.

харфлар билан битилган”.²

Инсоният тараққиёти диний ва дунёвий қарашларнинг синтезидир. Ана шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, ҳар қандай диний таълимотда ижтимоий мазмун, дунёвий тафаккур, инсоният тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган маънавий-маърифий моҳият ётади. Биз диний ва дунёвий тафаккурни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қила олмаймиз. Улар минг йилликлар мобайнида турли минтақаларда, турли шаклларда инсоният тараққиётига кучли таъсир этган ва кишилик тадрийжий, эволюцион ривожланиш босқичларига муҳим асос бўлиб хизмат қилган.³Жумладан, Ислом дини ғоят инсонпарвар ғоялар, кишилик турмуши маънавий-ахлоқий ва маърифий-ҳуқуқий асосларининг жамулжами сифатида дунёга келди. Ҳозирги замон цивилизацияси ва кишилик тараққиётининг истиқболи бевосита ана шу улғуф кадрийатнинг моҳиятини англашни, ислом дини буюк намояндалари ғояларини илмий асосда чуқур ўрганишни, фалсафий ва мантикий моҳиятини тадқиқ этишни тақозо этмокда. Хусусан, Марказий Осиёдаги ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётини ислом фалсафасининг икки асосий рукни – калом фалсафаси (теология) ва тасаввуф таълимоти таркибидаги ирфон фалсафаси (теософия) дан холи ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, ўн икки асрлик тарихга эга бўлган тасаввуф фалсафаси ва адабиёти Шарқ мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиё минтақаси халқларининг маданий-маънавий ҳаётида чуқур из қолдиргани сир эмас.

VIII асрнинг биринчи яримида асосан ажами, яъни, ғайриараб бўлган халқларнинг вакиллари томонидан (масалан: Ҳабиб Ажамий, Иброҳим Адҳам (вафоти: х.қ. 161 йил), Шақиқ бин Иброҳим Балхий (вафоти: х.қ. 174 йил), Фузайл бин Аёз (вафоти: х.қ. 187 йил), Маъруф Кархий (вафоти: х.қ. 200 йил), Аҳмад Хизравайх Балхий (вафоти: ҳижрий-қамарий 240 йил), Яҳё бин Муъоз

² Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – Б.28.

³ Қаранг. Жўраев Н. “Мафкуравий иммунитет”. – Т.: “Маънавият”, 2000. – Б. 14.

Розий (вафоти: х.к. 258 йил), Боязид Бистомий (вафоти: х.к. 261 йил), Аҳмад бин Осим Антокий, Абу Ҳафс Ҳадод Нишопурий...) ижтимоий ҳаракат сифатида вужудга келган ва хонақоҳий-амалий тус олган тасаввуф таълимоти IX асрнинг ибтидосига келиб, ўзига хос илмий-назарий пойдеворга эга бўлди. Тасаввуфнинг илмий-назарий пойдеворини яратган кишилар ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросон заминидан чиққан шахслар эдилар. Жумладан, “Ҳакимия” ирфоний мактабининг асосчиси Ҳаким ат-Термизий (м.820/830-909), Бухоро тасаввуфшунослик мактабининг йирик намояндалари – Абу Исҳоқ Калободий ва Мустамлий Бухорий (X аср) тасаввуф таълимотининг буюк назариётчиларидан эдилар. Ҳатто тасаввуф таълимотининг кейинги даврлардаги буюк назариётчиси, 500 га яқин асар ёзган ва “Шайх ул-акбар”, яъни “Улуғ шайх” номи билан машҳур бўлган андалусиялик мутафаккир, илоҳиётшунос олим ва шоир Шайх ул-Акбар Муҳйиддин ибн ал-Арабий (м.1165-1240) ҳам уларнинг илмий-назарий қарашларидан сарчашма олган ва таъсирланган экан. Агар Мовароуннаҳр заминидан, айниқса, бугунги Ўзбекистон ҳудудида кейинги даврларда шаклланган тасаввуф тариқатлари – Кубравия (Шайх Нажмиддин Кубро), Хожагон (Хожа Абдулҳолик Гиждувоний), Яссавия (Хожа Аҳмад Яссавий) Нақшбандия (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд) каби тасаввуф фалсафаси ва умуман, ислом тафаккури тарихида чуқур из қолдирган диний-фалсафий таълимотлар ҳисобга олинса, буюк аждодларимизнинг ушбу тафаккур тарзининг ривожига қўшган ҳиссаси нечоғлик эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Том маънода “бу табаррук диёр дунё илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс ўрин тутадиган Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Қозизода Румий, Али Қушчи, Хўжа Аҳрор Валий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Абулайс Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий каби кўплаб азиз-авлиёлар, шоир ва алломалар учун камолот бешиги бўлиб хизмат қилгани барчамизга ғурур бағишлайди.”⁴

⁴ Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – Б.178.

Тасаввуф таълимоти бошида Умавия халифалиги даврида юзага келган ғайриисломий тамойиллар – дунёпарастлик, бойлик, мол-дунё ва айш-ишратга ружў кўйиш, ирқчилик ва миллатчилик кайфиятлари, инсон кадр-қийматининг топталиши натижасида вужудга келган эътироз шаклидаги ижтимоий ҳаракат эди. Ушбу ижтимоий эътирознинг бошида турган кишилар эса жамиятнинг уйғоқ ва қалби иймон-эътиқод, илм-маърифат нури билан мунаввар бўлган зотлар эдилар. Зеро, “мафкуравий демократия”га изн бергани, инсон қалби ва руҳиятини нишонга олиб, жаҳолат ва худбинликка қарши ўлароқ майдонга чиққани, ахлоқий покликни тарғиб этгани сабабли тасаввуф моҳиятан илму ижод аҳлига яқин эди. Бу – бир томондан. Иккинчи томондан эса, шуни эътироф қилишимиз керакки, тасаввуф гарчи ислом бағрида ниш уриб, Қуръон ва ҳадислар ҳикматидан озиқланган, кўп ҳолларда шариат аҳкомига сунган бўлса-да, лекин у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка ҳамда ҳоким табақаларнинг айшу ишратга фарқ турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастликка зид ўлароқ меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келди”.⁵ Амалиёт билан бошланиб, назариёт билан қайта мустаҳкамланган тасаввуф таълимоти IX-XV асрлар давомида жамиятнинг турли қатламларига кириб борди ва ўзига хос ижтимоий институт сифатида минтақа халқларининг маънавий ҳаётида фаол қатнашди. Ҳатто баъзи бир даврларда (хусусан, Амир Темур ва Темурийлар салтанати даврида) етакчилик ҳам қилди.

Халқимизда минг йилдан буён шаклланиб келган шарқона одоб-ахлоқ меъёр ва мезонлари, миллий қадриятлар ва урф-одатлар, у хоҳ ота-она ва фарзанд, фарзанд ва ота-она, устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатларда кўринсин, хоҳ кўни-кўшничилик ва бошқа ижтимоий муносабатларда ўз аксини топсин, аслида тасаввуф таълимотидан сарчашма олади. Тасаввуф фалсафаси ва ижтимоий тараққиёт ҳақида гап борар экан, тасаввуфшунос Нажмиддин Комилов “Инсон тарбияси, инсонни нуқсонлар, гуноҳлардан қутқариш улуғ аждод-

⁵ Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Movarounnahr” – “O`zbekiston”, 2009. – Б.3.

ларимизнинг қайғуси бўлиб келган. Улар савоб ва гуноҳ, соя ва нур, раҳмон ва шайтон, хайру шарр чегарасида яратилган инсон деган мубҳам хилқатни англаш, унга раҳмоний ва шайтоний қувватларни қачон, қаерда кучга кириши, бу кучларнинг сабаби нима эканлигини тушунишга жиддий аҳд қилганлар”⁶ - дейди ва тасаввуф фалсафаси моҳиятидан келиб чиқиб, инсоннинг мураккаб, зиддиятли олами ҳамиша тарбияга муҳтож эканлигини айтади.

Дарҳақиқат, инсон олами – мубҳам дунё, кашф этилмаган олам. Минг йиллар мобайнида не-не донишмандлар, алломалар бу олам сир-асрорини очишга ҳаракат қилишган. Унга чексиз ҳайрат ва ҳаяжон билан қарашган. Кўпдан-кўп тадқиқотлар қилишган ва асосли хулосаларни баён этишган. Бироқ, уларнинг ҳеч бири инсон оламига бус-бутунлигича, бутун яхлитлигича баҳо бера олмаган. Ҳамон дунё фанида Инсон моҳиятини очиш қийин бўлган тилсимот, англаб бўлмас хилқат, сирли-синоатли мўъжиза сифатида алоҳида тадқиқот мавқеини эгалламоқда.⁷

Тасаввуф бир томондан, ўта рангбаранг, хилма-хил, кизиқарли ва кези келганда сирли, зиддиятли, мураккаб ва чигал ақидавий-фалсафий қарашлар мажмуасидан, иккинчи томондан, Аллоҳ таъолога бўлган ўта кучли эътиқод ва муҳаббат (илоҳий муҳаббат) ҳамда Унинг Расули Муҳаммад (сав)га бўлган кучли ихлос, иродат ва муҳаббат туйғуларидан, учинчи томондан, ўзига хос ахлоқ ва одоб, тартиб-қоида, шарт-шароитлар ҳамда маросимлар мажмуасидан таркиб топган таълимотдир. Таниқли тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов таърифи билан айтганда, “тасаввуф диний эътиқод, ҳикмат (фалсафа), бадиий ижод омухталигидаги ҳиссий-тафаккурий таълимот бўлиб, илоҳий ишқ баённомасидир”.⁸

⁶ Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. – Т.: Ғ. Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат ва “Ўзбекистон” нашриётлари, 1999. – Б.150.

⁷ Қаранг: Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: “Маънавият”, 2008. – Б.181

⁸ Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: “Movarounnahr”, “O‘zbekiston”, 2009. – Б.5.

Тасаввуф таълимотининг Мусулмон Шарқи халқлари, жумладан, ўзбек халқининг миллий маънавиятини шакллантиришдаги ўрни ё аҳамияти ҳақида сўз юритганда куйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишга тўғри келади:

Тасаввуф таълимоти Мусулмон Шарқида рационал фалсафа турлари – Қадимги Юнон фалсафаси (Шарқ аристотелизми ва неоплатонизм) ва ислом теологияси – *калом* фалсафаси (Муътазилия, Ашъария, Мотуридия, Ботиния)дан сўнг фалсафий тафаккур оламида мутлақ иррационал ҳисобланган учинчи йўналиш – *ирфон фалсафасини* бошлаб берди ва ҳатто тўртинчи йўналиш – *Иироқ фалсафасининг* шаклланишида ҳам (Шайх Шаҳобиддин Сухравардий таълимоти мисолида) фаол қатнашди. Шунингдек, маълум даражада рационал фалсафага ҳам таъсир кўрсатди (масалан, Ибн Синонинг “Ҳай ибни Яқзон”, “Саломон ва Абсол”, “Рисола фил-ишқ”, “Рисола фит-тайр”, “Рисолаи машриқия” каби асарлари мисолида).

Ирфон фалсафасининг марказий баҳс мавзуи бўлмиш *Ваҳдат ул-вужуд* (борликнинг бирлиги, ягоналиги) масаласи йирик назарий олим Мухйиддин ибн ал-Арабий қарашлари асосида аввал Хожа Муҳаммад Порсо, ундан сўнг буюк мутафаккир шоир, файласуф ва мутасаввиф Мавлоно Абдурахмон Жомий томонидан қайта ишланиб, нақшбандиёна мазмун-моҳиятга эга бўлди. Жомий Шайх ул-Акбар Мухйиддин ибн ал-Арабий фалсафий-ирфоний мактабининг XV асрдаги йирик вакили ҳамда нақшбандийлик таълимотининг Хуросондаги йирик намояндаси сифатида *Ваҳдат ул-вужуд* фалсафасини ҳанафийлик мазҳаби ақоиди доирасидан четга чиқмаган ҳолда талқин этар экан, сиёсий-диний кудрат касб этиб, тасаввуфнинг асл мақсад-мароми – илм-маърифатдан узоқлашиб бораётган нақшбандийлик таълимотининг илмий-назарий жиҳатларини ислоҳ этишга ҳаракат қилди. Жомийнинг ушбу хайрли саъй-ҳаракатларида унинг шогирди ва маслакдоши – буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий бош-қош бўлди.

Шуни ҳам қайб этиш лозимки, Жомийнинг бир қанча тасаввуф тарихи ва фалсафасига оид асарлари, жумладан, “Нафахот ул-унс мин ҳазарот ал-қудс”, “Шарҳи рубоийёт фи исботи ваҳдат ал-вужуд”, “Ашиъбат ул-Ламаъот” бевосита Навоийнинг хоҳиш-истаклари ва талабларига биноан ёзилган. Бунинг албатта ўзига хос сабаблари бор эди. Биринчидан, Алишер Навоийнинг ўзи ҳам Ибн ал-Арабийнинг *Ваҳдат ул-вужуд* ҳақидаги фалсафий таълимотига катта қизиқиш билан қараб, Жомий талқинлари орқали ўзининг адабий-ирфоний асарларида тарғиб ва ташвиқ этган. Иккинчидан, схоластик сиёсий-диний оқимга айланиб бораётган нақшбандийлик тариқатини фалсафий-ирфоний масалаларни ўртага ташлаш воситасида ислоҳ этиш зарурати туғилган эди. Ҳазрат Навоий ана шу заруратни биринчилардан бўлиб англаб, ўз пири ва устози Жомийни илмий-назарий асарлар ёзишга ундаган.

Ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг Жомий талқинида Нақшбандия таълимотига кириб келиши жараёни, ушбу таълимотнинг Марказий Осиёдаги фалсафий-ирфоний фикр тараққиётига кўрсатган ижобий таъсири масаласини ўрганиш орқали Жомий ва Алишер Навоий каби улуғ шоир ва мутафаккирларнинг фалсафий-ирфоний ва ахлоқий қарашларига янгича ёндашиш, уларнинг адабий-илмий меросини чуқур ўрганиш имконияти вужудга келади. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ушбу фалсафий-ирфоний таълимот Ҳазрат Навоийдан кейинги даврларда ҳам Мирзо Бедил, Имло Бухорий, Мирзо Ғолиб, Бобораҳим Машраб ва Сўфи Оллоёр каби буюк шоир ва мутафаккирларимизнинг диққат марказида бўлиб турган, уларни Олам ва Одам, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар ҳақида фалсафий фикрлар айтишга, илмий-адабий асарлар яратишга ундаб келган.

Тасаввуф ўзига хос бўлган *динишунослик* тизимини ишлаб чиқди. Бунинг учун Куръон, ҳадис ва тасаввуф пешволари ҳамда турли фалсафий оқимлар намояндаларининг қарашларидан унумли фойдаланди.

Тасаввуф таълимоти шунингдек, яна бир қатор фан соҳаларига ҳам фаол тарзда кириб борган. Жумладан,

тарих(тасаввуф тарихига оид юзлаб асарлар – табақотлар, тазкиралар, маноқиблар, мақомотлар мисолида. Жумладан, Суллабийнинг “Табақот ус-сўфия” номли табақоти, Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”, Афлокийнинг “Маноқиб ул-орифин”, Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” номли тазкиралари), *Қуръон тафсири* (ирфоний тафсирилар, жумладан, Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг ирфоний тафсири мисолида), *ҳадис илми, адабиётшунослик* (бадий характерга эга бўлган тасаввуфий асарлар, хусусан, ирфоний шеърятдаги рамзу мажозларни очиб берадиган шарҳнавислик мисолида), *тилишунослик* (тасаввуфий сўзлар, истилоҳлар ва ибораларни изоҳлаб берадиган луғатшунослик мисолида), *педагогика* (устозлар (муршидлар)нинг шогирдлар (муридлар) учун ёзган қўлланмалари мисолида. Жумладан, Абу Исҳоқ Калободий Бухорийнинг “Китоб ат-таъарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф” асари), *этика* (муршид ва мурид ахлоқи, хонақоҳ ахлоқ-одобига оид асарлар мисолида) Масалан, Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳ ат-таъарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф” асарининг 3-рубъида (4 жилдликнинг 3-китоби) касб ҳунар ўрганиш, тавба, сабр, шукр, ихлос, тавозеъ ва ризо каби ахлоқий фазилатлар ҳақида ҳам ҳаётӣ, ҳам динӣ (тасаввуфӣ) нуқтаи назардан фикр юритилади. Жумладан, асарнинг “Касб-ҳунар таърифиди” деб номланган 23-бобида кучли мантиққа асосланган куйидаги фикр келтирилади: “Аммо шайх раҳматуллоҳ (Калободий – Ж.Х.) шундай дейди: “Менинг назаримда касб-ҳунар билан шуғулланиш банданинг ҳақдан юз ўгиришига сабаб бўлмаслиги лозим. Яъни (киши касб-ҳунар билан шуғулланмоқчи бўлган киши аввал) ўз нафсининг ҳолатига қараши лозим. Киши касб-ҳунар билан шуғулланмаган тақдирда унинг нафси ҳақдан юз ўгирадиган ва махлуқларга юзланадиган бўлса, унга касб-ҳунар билан шуғулланиш худди намоз ўқиш каби фарз ҳисобланади”.⁹ Шунингдек, ўрта асрлардаги *эстетика* (сўфӣ эстетик диди, масалан,

⁹ Хожа Имом Абу Иброҳим Исмоил бин Муҳаммад Мустамлий Бухорий. Шарҳ ат-таъарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф. Рубъи севвум. Бо муқаддима ва тасҳеҳи Муҳаммад Равшан. – Техрон: “Асотир”, 1363.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4828> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4828> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4828>